

Қуръони Карим дарслари (82-дарс). Насхнинг ўринлари



15:00 / 21.04.2020 5887

(иккинчи мақола)

Суннатнинг суннат билан насх қилиниши.

«Суннат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрирдир».

Суннат бизга етиб келиши жиҳатидан икки қисмга бўлинади:

1. **Мутавотир хабар.** Муайян адад билан чегараланмаган йўллар ила бизга етиб келган хабар «мутавотир хабар» дейилади.

2. **Оҳод хабар.** Бизга етиб келгунча бўлган йўллари муайян адад билан чегараланган хабар «оҳод хабар» дейилади.

Мутавотир суннатнинг мутавотир суннат билан, оҳод суннатнинг оҳод суннат билан насх бўлишида уламолар орасида ҳеч қандай хилоф йўқ. Чунки бу ҳолатда насх қилувчи ҳам, насх бўлувчи ҳам тенг қувватга эга бўлади. Худди шу нарса матнларнинг бири иккинчисини насх қилиши жоизлигида асосий шартлардан биридир.

Шунга биноан, оҳод суннатни мутавотир суннат насх қилиши бирламчи ва кучли ишлардан бўлиб қолади. Чунки бу ҳолатда насх қилувчи насх бўлувчидан кучлидир. Аммо оҳод суннат мутавотир суннатни насх қилишига келсак, уламолар бу ҳолатнинг воқеъ бўлмаганига иттифоқ қилганлар.

Суннатни суннат насх қилишига мисоллар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исломининг илк босқичида ивитиб тайёрланадиган ичимлик – набизни баъзи қалин идишларда тайёрлаш ва ичишдан қайтарганлари. Чунки бунда баъзан ичимлик маст қилувчи бўлиб қолиши мумкин эди. Идишлар қалинлиги сабабли ичимликнинг маст қилувчи бўлиб қолганини аниқлаб бўлмас эди.

Кейинроқ, хамрнинг ҳаромлиги қарор топганидан ва у ҳақдаги билим одамлар орасида кенг тарқаб бўлганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига ва умматларига маст қилувчи бўлмаган ичимликларни барча идишлардан ичаверишга рухсат бердилар.

هَلَلِى لَصِيَّبِنِّى لَى لَعَسَى قَوْلِى لَدُبَّعٌ ذُو مَدَقٍ تَلَقَّاهُ نَعُوهُ لَلِى ضَرَّةَ شِئَاعٍ نَعُوهُ رِيْقِنِّى لَوِءِ بَدَلِى فِى اُوذْبَتِنِّى نَأْمُوهَا نَفِى ذِيْبِنِّى لِنَعُوهُ وَاَسْفِى مَلِسُو هِى لَعُوهُ سَمَّ حُلِّى لَوِءِ مَتَّحْنِّى لَوِءِ تَفَزُّمِّى لَوِءِ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абдулқайс вафди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотдан набиз ҳақида сўрашди. Шунда у зот уларни дуббода, нақирда, музафفات ва ҳантамда набиз тайёрлашдан қайтардилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Вафд – олий мартабали томонга юборилган вакиллар, элчилар гуруҳи.

Дуббо – қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

هُوَ أَوْرَ . «أَهِي فِ أُنِّي عُتَّ نَّ أَتَدْرَأُفُ دَّهَجِ سَان لِبَابِ نَاكَ مَاعْلَا كَلَدَّ نِإِ فِ ، أُوْرِحُّ دَاوِ أُوْمَعُ طَاوِ
هُوَ سَمَّخُ لِإِ

Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким қурбонлик қилса, учинчи(кун)дан кейин уйда ундан бирор нарса бўлган ҳолида тонг оттирмасин», дедилар. Келаси йили:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ўтган йили қилганимиздек қилайликми?» дейилди.
У зот:

«Енглар! Таомлантиринглар! Сақлаб қўйинглар! У йили одамлар қийинчиликда эдилар. Уларга ёрдам беришингизни хоҳлаган эдим», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар очарчилик туфайли қийинчиликка дучор бўлган йиллари қурбонликнинг гўштини уч кундан ортиқ сақлаб туришни ман қилганлар. Мазкур ҳолат ўтиб, тўқчилик бўлганда эса ҳам ўзлари еб, ҳам ўзгаларга бериб, ҳам сақлаб қўйишга рухсат берганлар.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан